

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида Транспорт вазирлигига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

3.10. Йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ишлар сифатини ошириш, транспорт оқимини бошқаришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, транспорт инфратузилма объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишда эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш.

Топшириқ: **96-банд.** Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Ижроси: Транспорт вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” юзасидан тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, барча манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 йил 4 сентябрда хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 14 декабрь куни мазкур қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келишиш ва тасдиқлаш учун киритган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 2 мартда тасдиқланган давлат дастурига мувофиқ Стратегия лойиҳаси 2030 йилгача ўзгартирилган.

Ҳозирги кунда мазкур қарор лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг масъул ижрочилари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Топшириқ: **97-банд.** Ўзбекистон Республикасининг **2030 йилгача автомобиль йўллари ривожлантириш стратегиясини** ишлаб чиқиш.

Ижроси: Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача автомобиль йўллари ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган Стратегия лойиҳаси Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан хат орқали Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва

камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлигига кўриб чиқиш учун киритилган.

Топширик: 98-банд. Темир йўл соҳасини ривожлантириш.

Ижроси: Жорий йилнинг 18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигида, Вазир – Э.М.Ганиев раислигида вазирлик ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти ҳамда Германиянинг “DB Engineering and Consulting GmbH” компанияси савдолар бўйича директори – Дитер Мишель-Аули, Техник консалтинг бўйича директори – Маттиас Мейе ҳамда Лойиҳа раҳбари – Иннокентий Беляков-Загуменновлар билан биргаликда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолиятини ислоҳ қилиш масалалари юзасидан учрашув бўлиб ўтди.

“DB Engineering and Consulting GmbH” компаниясининг вакиллари томонидан темир йўл транспорти фаолиятининг жорий ҳолати таҳлили, соҳада учраётган камчилик ва муаммолар ҳамда темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш соҳасидаги хизмат сифатини ошириш бўйича таклиф ва тавсияларини назарда тутувчи такдимот (презентация) учрашув иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

Ҳозирги вақтда мутахассислар логистика ривожланиш стратегияси ва LPI рейтингини ошириш чораларини ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар. Айни пайтда темир йўл тармоғининг йирик станциялари ва узелларига ташриф буюриб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг логистика салоҳиятини ўрганиш ишларининг дастлабки босқичлари амалга оширилди. Бундан ташқари, “DB Engineering & Consulting GmbH” (Германия) компанияси билан қуйидаги йўналишларда ишлар режалаштирилган:

1. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг транспорт бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорлигини ошириш.

2. Темир йўл транспорти самарадорлигини ошириш, тариф сиёсатини такомиллаштириш, юк ташишни ривожлантириш.

3. Транспорт ва логистика хизматларини такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шерикчилик (ГЧП) механизмининг жорий этиш масалаларини ўрганиш.

4. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини рақамлаштириш даражасини ошириш.

5. Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш.

“DB Engineering & Consulting GmbH” компанияси билан тузилган шартнома асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун “Йўл харитаси” тайёрланиб, “DB Engineering & Consulting GmbH” компанияси билан келишилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 7 май куни “DB Engineering & Consulting GmbH” компанияси раҳбарияти билан видеоконференция форматида, 12 май куни Транспорт вазирлигида “DB Engineering & Consulting GmbH”

компаниясининг масъул ходимлари иштирокида “Йўл харитаси”даги масалалар юзасидан музокаралар олиб борилди ҳамда ишларни жадаллаштириш бўйича 19-26 май кунлари ҳисобот учрашуви ўтказилди.

Топшириқ: **99.1-банд.** Транспорт соҳасида аҳоли учун янада қулайликлар яратиш ва уларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мақсадида **йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш** чораларини кўриш.

Ижроси: Бугунги кунга келиб ер усти халқа метро йўлини қуриш бўйича I босқич “Дўстлик – Қўйлик” қисмида ҳамда “Юнусобод” йўналишининг 2-босқичида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилган.

“Ер усти халқа метро йўлини қуриш” лойиҳасининг II босқич “Қўйлик – Олмазор” участкасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ПК115+50–ПК153+45,46 пикетлари оралиғида 13 ҳамда 67-кўприк қурилиш отряди томонидан 145 та хандақдан 25 таси қазилган, 145 та қалинлиги 15 см бетон қопламанинг 25 таси тайёрланган, 145 та биринчи ва иккинчи поғона темир бетон пойдеворларининг 25 та биринчи ва 21 та иккинчи поғонаси қурилган, 145 та таянч устунларининг 7 таси бетонланган, 145 та темир-бетон ригелларнинг 2 таси монтаж қилинган, электропоездларнинг “Ўзбекистон” депосига ўтиш учун 850 метрли ер ости йўли (тоннел)нинг 600 метри қуриб битказилган.

Тошкент метрополитенининг Сергели йўналишида қурилиш ишлари бўйича амалга оширилган ишлар:

“Тошкент” халқа йўли бекатида пойдевор қуйиш ишлари, эскалатор ўрнатиш учун пойдевор, бекатнинг ғишт териш ишлари, ташқи фасадни мрамор билан қоплаш, электр ёритиш учун симлар ётқизиш 95% якунланган, ҳозирги кунда ички безак ишлари 75% амалга оширилган ва давом эттирилмоқда.

Платформа тўсинларини монтаж ишлари якунланган. Бекат металл томининг 770,6 м² қисмини ўрнатиш ишлари тўлиқ тамомланган, бекатдаги йўловчи платформасининг металл конструкцияларини ўрнатиш ишлари якунланган. Лойиҳа бўйича жами 34 та метал ферма ўрнатилган. Бекатнинг платформа қисмини бетонлаш ишлари тўлиқ якунланган. Бекатнинг ички пардозлаш ишлари давом этмоқда.

Ним тортиш станцияси (подстанция) пойдевор қуйиш, ташқи деворга ғишт териш, том қисмига монолит бетон қопламасини ўрнатиш бўйича ишлар якунланган. Ҳозирги кунда ички парда деворларга (перегородка) ғишт териш, ички сувоқ ишлари якунига етказилган бўлиб, ташқи деворда тош қопламани ўрнатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

“Сергели” бекатида пойдевор қуйиш, катлаванларни қозиш, ғишт териш ва эскалатор пойдеворини қуйиш ишлари тўлиқ якунланган. Бекат металл томининг 770,6 м² қисмини ўрнатиш ишлари тамомланган. Ҳозирги

кунда бекатнинг ички ва ташқи деворлари пардозлаш ишлари тугалланмоқда.

Бекатнинг ички ва ташқи деворлари сувоқ ишлари якунланиб пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Ним тортиш станцияси (подстанция) котлован қазиш, қайта кўмиш, бошланғич бетон ишлари 100% бажарилган, пойдевор қисмининг каркас ишлари якунланиб, ташқи девор қуриш ишлари якунланган. Парда деворларга (перегородка) ғишт териш ишлари 80% бажарилиб, ҳозирги кунда ушбу ишлар давом эттирилмоқда. Ҳозирда ташқи безак ишлари (гранит-тош ўрнатиш) амалга оширилмоқда.

“Чилонзор” электродепоси ҳудудида чап ва ўнг таянч деворларини ўрнатиш бўйича 21 550 м³ ҳажимдаги ер ишлари бажарилиб якунига етказилган. 1-сонли таянч деворининг пойдеворини арматуралаш ва бетон қуйиш ишлари тугатилган. 1 ва 2-сонли таянч деворларининг 54 та блоклари ўрнатилиб, темир йўл қопламасини ётқизишга тайёр ҳолга келган. Йўналишнинг тоннел қисми “Тошкент” метрополитени “Чилонзор” йўналишининг “Олмозор” бекатига уланган ва тоннелни қайта кўмиш ишлари якунланиб, асфальт қопламаси қайта тикланган.

“Чош-тепа”, “Афросиёб” ва “Қипчоқ” бекатларида бино котлованларини қазиш, пойдевор учун бетон қуйиш, бекатларда ташқи ва ички оралиқ деворларига ғишт териш ишлари якунланиб, деворнинг сувоқ ишлари 100% тугалланган. Бундан ташқари “Чош-тепа” ва “Афросиёб” бекатининг платформа қисмига 100% оралиқ темир бетон балкалари ўрнатилган. Ҳозирда пардозлаш ва том қисмини ёпиш ишлари амалга оширилмоқда.

“Афросиёб” ним тортиш станциясида ер ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилиб пойдевор қуйиш ишлари якунланган, ташқи деворга ғишт териш ишлари 90% бажарилган.

“Қипчоқ” ним тортиш станциясида ер ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилиб, пойдевор қуйиш ишлари 70% бажарилган ва қолган ишлар олиб борилмоқда.

Лойиҳа смета ҳужжатларида кўрсатилган 1 686 дона темир бетон балкаларнинг 64,4% ёки 1086 донаси, 254 дона таянч устун ригелининг 86,6% ёки 220 донаси ўрнатилган, 265 дона таянч устунларининг 83,0% ёки 220 донаси (опора), 580м тоннел қисмида қурилиш ишлари якунланган.

Жорий йилнинг бошидан шу кунга қадар жами 8,79 млн. доллар маблағ ўзлаштирилган, шу жумладан:

Давлат бюджети ҳисобидан – 8,5 млн. доллар;

Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси ҳисобидан – 0,29 млн. доллар.

Қурилиш бошлангандан буён жами 59,18 млн. доллар маблағ ўзлаштирилган, шу жумладан:

Давлат бюджети ҳисобидан – 35,15 млн. доллар;

Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси ҳисобидан – 24,03 млн. доллар.

2020 йилнинг январь-май ойларида 2 195 км умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва ички хўжалик йўллари таъмирланб, уларнинг ҳолати яхшиланган.

Топшириқ: 100-банд. Республика иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжлари учун **автомобиль транспорти хизматлари** кўрсатишни янада ривожлантириш.

Ижроси: Аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида республика бўйича:

1. 3 та (Россия Федерациясига) халқаро ва 30 та маҳаллий автобус йўналишлари ташкил этилган.

2. 2 та автостанция (Жиззах ва Навоий вилоятларида) қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Шу билан бирга, Фарғона вилояти Ёзёвон туманида қурилиш ишлари тадбиркор томонидан тугатилган бўлиб, паспорт олиш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Хоразм вилояти Питнак шаҳрида, Бухоро вилояти Гиждувон ва Жондор туманларида автостанция қурилиш ишлари бошланган.

3. Тадбиркорлар томонидан 162 дона янги автобуслар харид қилиниб, йўналишларга жойлаштирилган.

Топшириқ. 102-банд: Темир йўл ва автомобиль транспорт – логистика тармоғини ривожлантириш.

Ижроси: “Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон - Туркменистон - Озарбайжон - Грузия – Европа” йўналишида **тажриба-синов контейнер поезд қатновини ташкил этиш** мақсадида, 2019 йил декабрь ойида Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон темир йўл маъмуриятлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида имзоланган баённомага асосан, “Осиё тинч океани минтақасининг давлатлари - Хитой - Қирғизистон - Ўзбекистон - Туркменистон - Грузия - Озарбайжон - Европа” йўналишида мултимодал ташувларини йўлга қўйиш ва ташиш тарифларига махсус ставкалар белгиланди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида Қирғизистон Республикасининг Ўш темир йўл станциясидан Мальтага тажриба тариқасида **133 дона** вагонда жами **8000 тонна** мазут ортилган юк “Қирғизистон – Ўзбекистон – Туркменистон – Озарбайжон – Грузия – Европа” йўналиши бўйича ташувлари амалга оширилди.

Шунингдек, бугунги кунда Туркия Республикасидан **1400 дона** контейнерда Қирғизистон Республикаси гидроэлектростанция қурилиши учун зарур булган эҳтиёт қисмлар, мачталар ва бошқа юкларни ушбу йўналиш орқали ташиш масаласи бўйича тегишли давлатлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Туркменистон, Озарбайжон ва Грузия темир йўл маъмуриятлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида 2020 йил учун қуйидаги:

Туркменистон темир йўл маъмурияти томонидан Ўзбекистондан текстил маҳсулоти, минерал ўғитлар, буғдой ва пахта толасини “Фарап эксп.- Туркменбаши эксп.” транзит участкаси орқали ташишда 40 фоиз;

“Фарап эксп. - Сарахс эксп.” транзит участкалари орқали ташишда 30 фоиз;

Ўзбекистон Республикасига “Туркменбаши эксп. - Фарап эксп”, “Туркменбаши эксп. - Тахиаташ эксп.” транзит участкалари орқали ташишда 40 фоиз;

Озарбайжон темир йўл маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча турдаги экспорт юкларини Озарбайжон худуди орқали транзит ташишда 50 фоиз чегирмаларни олишга эришилди.

Шунингдек, Грузия темир йўл маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг барча турдаги юкларини Грузия худуди орқали транзит ташишда 50 фоиз чегирма олинди.

Транспорт вазирлиги ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан МДХ, Эрон ва Болтиқбўйи давлатлари темир йўл маъмуриятлари билан ўтказилган учрашувлар натижасида 2020 йил учун қуйидаги чегирмалар олинди:

Қозоғистон худуди орқали:

- олтингугурт, рангли ва қора металллар ташишда - 30 фоиз;

- пахта толаси, минерал ўғитлар ташишда - 50 фоиз;

- полипропилен ва полиетилен транзити учун - 35 фоиз.

Россия Федерацияси худуди орқали:

- пахта толаси транзити учун – 15 фоиз;

- олтингугурт ташишда – 35 фоиз;

- минерал ўғитлар (Ўзбекистондан учинчи давлатларга Россия ва Украина портлари орқали ва МДХ давлатларига) – 30 фоиз;

- рангли металллар ташишда – 20 фоиз;

- очик денгизларга чиқиш йўли мавжуд бўлмаган Осиё давлатларига 6405 км юқори узоқликда йирик тоннажли юкланган хусусий ҳамда бўш қайтаётган контейнерлар хусусий махсус платформада контейнер поездлар таркиблари учун – 55 фоиз.

Украина худуди орқали транзит учун:

- пахта толаси, шакар маҳсулоти учун -22 фоиз;

- минерал ва кимёвий ўғитлар ташиш учун – 35-72 фоиз;

- рангли металллар ташишда – 30 фоиз;

Латвия худуди орқали транзит учун:

- пахта толаси ва текстил маҳсулотлари – 20 фоиз;

Эстония ҳудуди орқали транзит учун:

- пахта толаси, ўғитлар, нефт ва нефт маҳсулотлари, рангли металллар ташишда – 30 фоиз;

- тез бузулувчи юклар (рефрижератор вагонларда) ташишда – 25 фоиз.

Эрон ҳудуди орқали транзит учун:

- ўғитлар ташиш учун – 30-40 фоиз;

- пахта толаси, текстил маҳсулотлар ва дуккакли маҳсулотлар ташиш учун – 30 фоиз.

Топшириқ. 103-банд: Авиация тармоғининг рақобатбардошлигини ошириш.

Ижроси: Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Транспорт вазирлиги томонидан “Авиация соҳасининг рақобатбардошликлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари И.Махкамов томонидан 2020 йил 1 апрелда тасдиқланган.

Ушбу чора-тадбирлар режасида авиация ёқилғиси ва ҳаво кемаларига халқаро аэропортлар хизматлари учун ўрнатилган тариф ва ставкаларни 30-50 фоизгача пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ўзаро манфаатдорлик асосида Андижон ва Бухоро халқаро аэропортларида “5 ҳаво эркинлиги” режимини жорий этиш, ҳаво транспорти экспорти ҳажмини ошириш, йўловчи ва юк ташувлари учун қулай шароитлар яратиш каби аниқ топшириқлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2020 йил 10 июнда 2/3107-1058-сонли хат орқали ахборот киритилди.

Топшириқ. 104-банд: Фуқаро авиацияси соҳасида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив базани такомиллаштириш.

Ижроси: “Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгартиришларнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатимизнинг аҳоли пунктлари устидан парвозларни амалга оширишдаги тақиқларни олиб ташлаш ва республика йирик шаҳарларида авиациядан кенг фойдаланиш, шунингдек, туризм соҳаси ва бизнес эҳтиёжларини қондириш учун имкониятни қондириш учун имкониятни қонуний равишда белгилаб бериш;

- аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳаводаги ташишларни бажариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишдаги лицензия бериш бўйича талабларни бекор қилинишидан келиб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг тегишли моддаларини мувофиқлаштириш;
багажни қайта ишлаш ва ташиш ҳақини қайтариш билан боғлиқ харажатларини чипта нархидан чиқариб юбориш ҳисобига йўловчи ташиш тарифларини камайтириш учун Ўзбекистон Республикасининг резидент авиаташувчиларига шароит яратиш.

5.1. Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар

Топшириқ. 253-банд: Чегара олди ҳудудларда жойлашган темир йўл бекатлари хавфсизлигини кучайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ижроси: Чегара олди ҳудудларда жойлашган темир йўл бекатлари хавфсизлигини кучайтириш борасида Чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш мақсадида, Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари ташаббуси билан жорий йилнинг 13 ва 27 март кунлари Транспорт вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ масъул раҳбар ходимлари иштирокида муҳокама ўтказилди.

Чегара олди ҳудудларда жойлашган темир йўл бекатлари хавфсизлигини кучайтириш борасида қўриқлаш тизимини такомиллаштириш ва тегишли муҳандислик-техника иншоотлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2020 йил 1 апрелда Транспорт вазирининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган.

Топшириқ. 282-банд: Маҳаллий маҳсулотларнинг минтақавий ва халқаро бозорларга олиб чиқилишини енгиллаштириш.

Ижроси: Ҳозирги вақтда Эстония, Озарбайжон ва Афғонистон билан Ҳукуматлараро битимлар лойиҳаси келишилмоқда. Туркменистон билан мавжуд битимга ўзгартириш киритиш бўйича таклиф туркман томонига йўлланган.

Франция билан Халқаро шартнома тасдиқлаш жараёнида.

Туркия давлати билан Халқаро шартнома ратификация қилинди. Жорий йилнинг май ойида турк томони билан автомобиль соҳасида қўшма комиссия йиғилиши ўтказилди. Қўшма комиссия протоколи турк томонига кўриб чиқиш учун жўнатилган. Келишувга биноан 2020 йил давомида 10 минг дона қўшимча рухсатнома бланкаси ўзбек томонидан юборилиши лозим (тўловларсиз).

Халқаро кўп томонлама битим ва конвенцияларга (МТФ, ҚДПГ, КТС СНГ) қўшилиш масаласи бўйича иш олиб борилмоқда.